O' zbekiston Respublikasi
Qashqadaryo viloyati xalq
deputatlari Qarshi shahar
Kengashining
QARORI

РЕШЕНИЕ
Каршынского городского
Кенгаша народных депутатов
Кашкадарьинской области
Республики Узбекистан

180100, Qarshi shahar Xonobod ko'chasi 46-uy, tel: 224-08-93; (375-22) факс 224-09-50

2015 йил 29 август 25/4-5-сон Қарши шаҳри

Қарши шаҳри ҳудудидаги айрим маҳалла фуқаролар йиғинлари ва кўчаларга янги номлар бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "География объектларнинг номлари тўғрисида"ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2011 й, 41-сон, 448-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги "География объектларнинг номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида"ги 295-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012, 41-42 сон, 483-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги "Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 48-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 10-сон, 107-модда) билан тасдиқланган Низом ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Қарши шаҳар "Табассум-1" МФЙнинг 2015 йил 22 апрелдаги 11-сонли, "Дилкушо" МФЙнинг 2015 йил 7 июлдаги 5-сонли, "Маҳаллот" МФЙнинг 2015 йил 7 июлдаги 2-01/52-сонли, "Нуристон" МФЙнинг 2015 йил 10 июлдаги 40-сонли илтимосномаларини инобатга олиб, География объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича вилоят комиссиясининг 2015 йил 30 июлдаги ВК-2-сонли хулосаси ва Қарши шаҳар ҳокимининг аҳоли пунктларининг таркибий қисмлари номларини ўзгартириш тўғрисидаги таклифини кўриб чиқиб, шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғинлари ва кўчаларга юқоридаги тарихий ном билан аташ қадриятларимизнинг қадимий илдизига мос келишини, мустақиллик йилларида эришилаётган ютуқлар ортидан обод бўлиб келаётган шаҳримиз кўчаларига замонавий номлар бериш, мақсадида Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг

Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда)нинг 24-моддасига асосан Халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қарши шаҳар ҳокимининг шаҳардаги айрим маҳалла фуқаролар йиғинлари ва кўчаларнинг номларини ўзгартиришга оид таклифлари маъқуллансин.

2. Шаҳар ҳудудидаги номлари ўзгарадиган маҳалла маҳалла фуқаролар йиғинлари ва кўчаларнинг рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Шаҳар ҳокими ўринбосари, топономик объектларга ном бериш масалаларини мувофиклаштирувчи шаҳар комиссиясининг ўринбосари в.б (А.Аҳмедов), Шаҳар статистика бўлими (С.Сахатов), Қарши шаҳар "Ермулккадастр" хизмати (А.Рахимов), Қарши шаҳар архитектура ва қурилиш бўлими (О.Жураев) ва бошқа тегишли мутасадди давлат идоралари шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда номлари ўзгартирилган кўчаларни янги номлари бўйича давлат рўйхатидан ўтказиш ва электрон базани шакллантириш, иш юритиш ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ барча тадбирларни амалга оширсинлар.

4. Шаҳар ички ишлар бўлими (У.Азимов) номлари ўзгарган маҳалла фуқаролар йиғинлари ва кўчаларда яшовчи аҳолининг хорижга чиқиш, кириш жараёни ва бошқа ҳолатларда фуқаролик паспортларига ҳамда мазкур ҳудуд акс эттирилган йўл белгиларига тегишли ўзгартиришлар киритиш ишларини ташкилий равишда амалга оширсин.

5. Қарши шаҳар архитектура ва қурилиш бўлими (О.Жураев)га шаҳардаги янги номланган ва номлари ўзгартирилган маҳалла фуқаролар йиғинлари ва кўчаларнинг янги номлари ёзилган кўрсаткич ва белгилар, пешлавҳаларни замонавий дизайн асосида босқичма–босқич ўрнатилишини таъминласин.

6. Шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларига:

шаҳардаги айрим маҳалла фуқаролар йиғинлари ва кўчаларнинг номлари ўзгартирилганлиги муносабати билан аҳоли ўртасида кенг тарғибот-ташвиқот ишлари ўтказиш тавсия этилсин.

7. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш шаҳар Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

8. Мазкур қарор "Nasaf" газетасида эълон қилинсин ҳамда ҳокимликнинг qashqadaryoQarshi.uz расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

9. Мазкур қарор "Nasaf" газетасида эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Кенгаш раиси **А.Б.Ачилов**